

19-dekabr
2024-yil 51 (1 101)



O'ZLIDER



XXI ASR

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xb2024russiannews Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

МУНОСАБАТ

БИЗ ЮРИШ ЭМАС, ЮГУРИШИМИЗ КЕРАК

АНА ШУНДА
ҲЕЧ ҚАЧОН
ОРТДА
ҚОЛМАЙМИЗ



3

Давлатимиз раҳбари иштирокида 13 декабрь куни Халқаро конгресс марказида янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишланган тантанали маросимда ҳам ана шундай эзгу мақсадлар йўлидаги ишлар атрофлича таҳлил қилинди. Шу куни қиймати 3,7 миллиард долларлик 18 та янги қувватлар ишга туширилаётгани ва навбатдаги 6 та лойиҳа қурилишига старт берилгани, Президентимиз таъкидлаганидек, энергетика соҳасидаги тарихий воқеадир.

– Бугунги тadbир юртимиз энергетика тарихида янги саҳифа очади, – деди Президент Шавкат Мирзиёев. – Ишга туширилаётган бу лойиҳалар орқали, нафақат иқтисодий ўсишга эришамиз, балки келажак авлодларимиз учун яшил ва барқарор Ўзбекистоннинг мустақил пойдеворини яратамиз.

ҚАШҚАДАРЁ ИССИҚХОНАЛАРИДА...

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Актам Хаитов раҳбарлигидаги республика ишчи гуруҳи аъзолари Қашқадарё вилоятининг қатор туманларида иссиқхона хўжаликлари фаолияти билан танишди.



Деҳқон ва томорқа ер эгалари билан мулоқотларда қонунчиликдаги янгилıklar, давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор вазифалар ижроси юзасидан қилиниши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида тўхталди. Томорқа ерларида иссиқхоналар ташкил этиш, цитрус мевалар, сабзавот маҳсулотлари етиштириш, сугориш, зараркунандалар ҳамда касалликлардан асраш, озиклантириш борасида тегишли тавсиялар берилди.

3

“XXI asr”

ijtimoiy-siyosiy gazetasi

БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!



Обуна индекси – 406
Мурожаат учун телефон:
71 255 68 50



ХАЙРЛИ ТАШАББУС

2с.



РАҚАМИНИ КЎРИБ... ҲОЛ СЎРАНГ

5с.

МАЗЛУМНИНГ МОЛИ ЗОЛИМДА ҚОЛМАСИН

5с.



ЁРУҒ ДУНЁНИ КЎРСАТАЁТГАН ОДАМ

Ўзбекистон Қаҳрамони,
“Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби,
тиббиёт фанлари доктори,
Тошкент врачлар малакасини ошириш
инститuti офтальмология
кафедраси профессори
Холидjon Комилов билан суҳбат

6с.



Ҳам рақобат, ҳам сифат керак

“Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойили асосида мамлакатимизда аҳолини қўллаб-қувватлаш, соҳада шароитларни яхшилаш ва хизматларни кенгайтириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бунда ногиронлиги бор шахсларга қулайлик яратиш муҳим вазифалардан саналади. Шу мақсадда ногиронликни белгилашда рақамлашган тизимга ўтиш тақлиф этилмоқда.

13 декабрь куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда ҳам айни жиҳатга эътибор қаратилди. Айтиш керакки, жорий йилда юртимизда 102 та ижтимоий хизмат маҳалла даражасига туширилди. Мисол учун, олдин одамлар протез учун ҳар хил комиссиялар ва поликлиникада икки ойлаб сарсон бўлган бўлса, ҳозир бу масала икки ҳафтада маҳалланинг ўзида ҳал бўлмоқда. Натижада 100 минг фуқаронинг оғирлиги энгил бўлди. Эндиликда, одамлар протезни 95 та ишлаб чиқарувчи орасидан электрон тизимда ўзи танлаётди, табиийки, бу жараёнда рақобат ҳам, сифат ҳам яхшиланди.

Қолаверса, ногиронлиги бор болаларга қараб туриш хизмати ҳам йўлга қўйилган бўлиб, ушбу масалага оид муҳофазатлар ҳам маҳалланинг ўзида қабул қилинапти. Айни хизматнинг ўзи ҳам 700 нафар ота-онани ишлашига шароит яратди. Ҳаракатлана олмайдиган тўрт минг нафар ёлғиз кексалар аниқланиб, уларга уйнинг ўзида қараб туриш йўлга қўйилди.

Мазкур йўналишда шунча янгилик қилинишига қарамай, соҳада айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Йиғилишда бу борада ҳам сўз борди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш, ижтимоий ҳимоя тизимидаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Президент кўплаб лойиҳа ва ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, ҳозирги кунда 65 турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдам олиш учун фуқароларимиз туғилганлик, ногиронлик тўғрисида, пенсия, талабалик гувоҳномаси, банк картаси каби ўндан ортиқ ҳужжатни кўтариб юришга мажбур. Давлатимиз раҳбари бундай овозгарчиликка чек қўйиш вақти келганини таъкидлаб, барча ҳужжатнинг ўрнини босадиган битта ижтимоий карта жорий этилишини эълон қилди.

Ижтимоий карта билан автобус ва метрода бепул юриш, электр, газ ва ўқиш харажатига компенсация олиш мумкин бўлади, нафақа ва ёрдам пуллари ҳам шу картага тушади. Бу тизим 1 июлдан Тошкент шаҳри ва Янгийул туманида синовдан ўтказилади, йил якунигача ҳамма жойда ишга туширилади. Яна ҳар бир вилоят, туман шифохонасида реабилитация хизматлари йўлга қўйилади. 12 та ногиронлик реабилитация марказида эрготерапия, физиотерапия, даволаш-гимнастика хизматлари қамрови беш қарра оширилади.

Президентимиз дунёнинг энг руҳлантисувчи “Топ-100” аёли рўйхатида кирган денювлик Дилором Йўлдошеванинг ишларини эътироф этганида Сурхон фарзанди сифатида мен ҳам фахрланиб кетдим. Сабаби, бу аёл ногиронлиги бор бўлса-да, тикув корхонаси очиб, 40 нафар камбағал хотин-қизни ишли қилди. “Мана шундай иродали, матонатли инсонларни ҳаммага ўрнак қилиб кўрсатсак, улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди”, деди давлатимиз



Раъно АСТАНАҚУЛОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

раҳбари. Воҳадошимизнинг ушбу жасорати ўрнак қилиб кўрсатилди ва Президент фармонида мувофиқ, йиғилишда Дилором Йўлдошеванинг “Мардлик” ордени тантанали топширилди.

Йиғилишда илгари сурилган ҳар бир ташаббус бугун ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларнинг эртанги кунига умид билан яшashi, жамиятда ўз ўрнини ҳис қилишига ёрдам беради. Бундай қўллаб-қувватлов ва ғамхўрликдан уларнинг қўлига ўсади. Қолаверса, соҳада амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар ижтимоий ҳимоя тизимидаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.



Эркин ХОЛМАТОВ,
О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг жорий йил 20 ноябрь куни бўлиб ўтган мажлисида Президентимиз 2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодий йил” деб эълон қилди. 2025 йилнинг кириб келишига ҳам санокчи кунлар қолди.

Албатта, ушбу хайрли тақлиф бежиз ўртага ташланмади. Чунки сўнгги йилларда дунё миқёсида иқлим ўзгариши, атроф-муҳит, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, ўрмонларнинг кесилиши, туپроқ эрозияси, қазилма ёқилғиларининг беҳисоб ишлатилиши кўплаб глобал муаммоларни келтириб чиқармоқда. Узоққа бормайлик, кўз ўнгимизда юз берган Орол фожияси экологик муаммоларнинг оқибатини ўзгаларга қараганда кўпроқ, чуқурроқ ҳис қилишимизга сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам давлат раҳбари ташаббуси билан юртимизда бу борада хайрли ҳаракатлар бошлаб юборилди. Жумладан, юртимизда бундан уч йил аввал “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига старт берилди. Ва қисқа вақт ичида ушбу хайрли ишлар умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди. Айни вақтда эса “Яшил” энергетика иқтисодий тизимини драйверларидан бирига айланмоқда.

Қўшни мамлакатлар билан биргалликда Минтақавий иқлим стратегиясини амалга оширишга киришилди. Пойтахтда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университети ташкил этилди. Ўзбекистон БМТ томонидан бу борада қабул қилинган иккита муҳим резолюциянинг ташаббускори бўлди. Жорий йилнинг 12 ноябрь куни Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳақли конференцияси Томонлари конференциясининг 29-сессияси (COP29) доирасидаги Жаҳон етакчилари саммитининг япи мажлисида ҳам давлатимиз раҳбари бир қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, ривожланаётган мамлакатлар дуч келаётган иқлим хатарларини танқидий таҳлил ва молиявий баҳолаш учун етакчи давлатлар, кўп томонлама институтлар ва конвенцияларнинг техник ва молиявий кўмагини кенгайтириш мақсадида Иқлим тўғрисидаги ўзи танлаётган баҳолаш бўйича халқаро марказ таъсис этиш тақлиф қилинди.

Атроф-муҳит ифлосланиши билан

боғлиқ хатарларни қисқартириш, барқарор биохилма-хиллик ва трансчегаравий сув ресурслари масалаларида ягона ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этиб, юртбошимиз БМТ шафелигида Дарё экотизимларининг бутунлиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасида мажбуриятлар тўғрисидаги декларацияни ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

Шунингдек, Ўзбекистонда ўсимликларнинг иқлимга чидамлилигини ошириш учун Генетик ресурсларнинг минтақавий банкни ҳамда денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатлар учун БМТнинг инновация асосидаги хабарини ташкил этиш тақлиф қилинди. Иқлим ўзгаришларидан зарар кўраётган мегаполис ва шаҳарларнинг барқарор ривожланиши ва яшаш учун қулай шароитлар яратиш соҳасида тажриба ва билим, энг яхши амалиётлар трансфери учун Жаҳон Иқлим пойтахтлари альянсини ташкил этиш ҳамда унинг биринчи форумини Тошкентда ўтказиш ташаббуси билдирилди.

Шавкат Мирзиёев COP29 мамлакатлари вакилларини келгуси йили 15 май – Халқаро иқлим кунини Оролбўйида ўтказиладиган Рақамли “яшил” ташаббуслар глобал фестивалида иштирок этишга тақлиф этди. Бу ташаббус ва тақлифларнинг барчаси халқаро миқёсда ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Яна бир эътиборли жиҳати, мамлакатимизда утлерод нейтраллигига эришиш бўйича кенг миқёсдаги ислохотлар олиб борилмоқда. 2030 йилгача ҳавога иссиқхона гази чиқаришни ундан бир қисмга қайтариш режалаштирилган. Бу мажбуриятлар 2050 йилга қадар янада кенгайтирилади. “Яшил” энергетика улуши 40 фоизга етади. Электромобиллар ва “яшил” водород ишлаб чиқариш кластерлари барпо этилмоқда, қуёш ва шамол генерацияси хабарлари яратилмоқда. “Яшил макон” дастури доирасида кўламазор худудлар кенгайтирилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя устунлари

Азалдан эҳтиёжманд, камбағал, меҳр-мурувватга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш халқимизга хос бўлган энг олий қадриятлардан саналади. Ижтимоий ҳимоя жамиятнинг барқарорлиги ва яхлитлигини сақлашда муҳим рол ўйнайди. Бу тизим фуқароларни турли ижтимоий ва иқтисодий хавф-хатарлардан ҳимоя қилишга ёрдам беради, одамларнинг ҳаётини яхшилаш ва уларга керакли молиявий, тиббий ва маънавий ёрдамни таъминлашга хизмат қилади.

Шу маънода жорий йилнинг 13 декабрь куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтиришга доир янги ташаббусларни ўртага ташлагани муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, келаси йил 1 миллион 200 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш учун таълим, тугарак, касб-хунар, тиббий масалаларини ҳал қилиш ва яшаш шароитини яхшилаш зарурлиги таъкидлангани бежиз эмас.

Табиийки, бу борада яхши тажрибалар борлиги ушбу йиғилишда қайд этилди. Масалан, Тойлоқ ва Косонсой туманларида Илк ривожланиш марказлари очилиб, камбағал оиладаги ва ногиронлиги бўлган 4 минг 200 нафар болага боғча таълими берилган. Вилоят ҳокимлари бу тажрибани ўрганиб, ҳар бир туманда жорий этиш топширилди. Шунингдек, келаси йили камбағаллик юқори бўлган мингта маҳал-

лада яна биттадан оилавий боғча фаолияти йўлга қўйилади. Янги йилдан оилавий боғча ўринларининг 15 фоизига камбағал оила фарзандлари қабул қилинади ва боғча тўлови қисман қоплаб берилади.

Конституцияимизда Ўзбекистон – ижтимоий давлат деб белгиланган. Ижтимоий ҳимоя – бу давлат, жамият ёки махсус ташкилотлар томонидан фуқароларга, айниқса, ёрдамга муҳтож бўлган инсонлар ва тоифаларга кўрсатиладиган ёрдам ва ҳимоя чораларидир. Асосий мақсад эса инсоннинг кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аниқ бир шароитда турмушни мустахкамлаш ва унинг ижтимоий омилига эътибор қаратишдан иборат.

Албатта, бу жараён аҳолига, айниқса, кам таъминланган, ёшлар, қариялар, ногиронлар ва бошқа ёрдамга муҳтож қатламларга давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдам ва хизматлар тизими узлуксиз давом этверишини аниқлатади. Бу эса давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сий-



Нуриддин ЖАББОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

сати инсонпарварликка асослангани ҳамда аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий тенгликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эзгу мақсадимиз эканининг амалий ифодасидир.

Иқтисодий салоҳият кенгайди

АЙРИМ СОЛИҚЛАР ШАҲАР ВА ТУМАНЛАР БЮДЖЕТЛАРИГА ЎТКАЗИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 20 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида кўтарилган масалалар 2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ўз ифодасини топмоқда.

Эндиликда солиқларнинг қуйидаги турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши белгилаб қўйилди:

- жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк солиғи;
- жисмоний шахслардан олиннадиган ер солиғи;
- мол-мулкни ижарага беришдан олиннадиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан жисмоний шахслар томонидан тўланадиган, шунингдек яқка тартибдаги тadbirkorлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- норуда қурилмиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- айланмадан олиннадиган солиқ;
- юрдик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно);

юрдик шахслардан олиннадиган ер солиғи (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно);

жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи тўловчиларнинг камида 50 фоизи (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно);

давлат активларини ижарага беришдан тушумлар. Эътиборли жиҳати, аввал бу тоифадаги тушумлар тўлалигича Қорақалпоғистон Республикасининг бюджетига, вилоятларнинг бюджетларига ва Тошкент шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилган.

Демак, туманлар ва шаҳарлар ихтиёрида қолдирилган бу турдаги солиқлардан шакланган маблағлар худуддаги муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган чораларни қўришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари имкониятларини янада оширишга хизмат қилади.

Барчамиз бир сафдамиз

Ҳар бир инсон ҳаёти давомида яхши амалларни бажаришга ҳаракат қилади. Имконияти чекланган болаларни эса ҳаётдан умидлари икки қарра қўп, эзгу ният ва амалларни бизга нисбатан кўпроқ, тезроқ бажаришга интиладилар.

Дунёнинг ривожланган давлатларида бундай болалар чекланмаган, улар соғлом болалар қаторида таълим оладилар ва турли соҳаларда катта ғалабаларга эришадилар. Биргина мисол, жорий йил Франция пойтахти Париж шаҳрида яна бир йирик спорт байрами – XVII Паралимпия ўйинларида паралимпиячиларимиз илк бор 10 та олтин, 9 та кумуш ва 7 та бронза, жами 26 та медалга сазовор бўлишди. Медаллар жамғариш бўйича тарихдаги энг яхши натижани қайд этди.

Партияимиз сайловолди дастурида “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойилига асосланиб, ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш, камбағалликни қисқартириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширишни, бу борада Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ваколат ва фаолият кўлами янада кенгайтириш юзасидан вазифалар белгиланган.

Эътиборлиси, яқинда Президентимиз раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилган ишлар ва 2025 йилдаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бевосита ушбу масалалар жиддий муҳокама қилинди. Утайтган йилда 51 минг одамга ногиронлик белгилангани ва улардан 26 минг протез билан таъминлангани ва одамлар протезни 95 та ишлаб чиқарувчи орасидан электрон тизимда ўзи танлаётгани ҳам эътироф этилди. Бу, албатта, рақобат ва сифатни яхшиланишига туртки бўлади. Ёки ҳозирга қадар камбағал оилалардаги 17 минг одам доимий ишга жойлаштирилган бўлса, тadbirkorлик ва томорқа орқали 14 минг аҳолининг даромади оширилган. 30 минг бола боғча, тугарак ва касб-га ўқитиш билан қамраб олинган ҳамда 45 минг муҳтож



Савара УБАЙДУЛЛОЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

аҳолига тиббий ёрдам кўрсатилган... Албатта, ушбу рақамлар замирида катта меҳнат ва эзгу мақсадлар ётибди. Шу боис бу соҳада олиб борилаётган ислохотлар янада кучайтирилиши зарур.

Таъкидлаш жоизки, О'zLiDeP сайловолди дастурида ногирон шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни давом эттириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу каби хайрли ишларни амалга оширишда депутатлар корпуси ҳам вазирилик ва агентликлар билан ҳамкорликни бошлаб юборди. Мазкур ҳамкорлик ҳамда эътибор уларнинг орзуларини рўёбга чиқаришига ишонамиз.



БИЗ ЮРИШ ЭМАС, ЮГУРИШИМИЗ КЕРАК АНА ШУНДА ҲЕЧ ҚАЧОН ОРТДА ҚОЛМАЙМИЗ

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги тадбиркорлик соҳаси ва унинг нечоғли ривожланаётганига боғлиқлиги қундай равшан. Шу боис мазкур соҳага эътибор, имтиёз ва қулайликлар яратишга, бизнес вакилларини қўллаб-қувватлашга давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. Зарур ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

Аммо шундан ташқари керакки, ҳар қанча ҳуқуқий база ва эркинлик таъминланса-ю, зарур энергетика қувватлари яратилмаса соҳада қўрилган муваффақиятга эришиб бўлмайди. Хорижий инвестицияларни жалб этишни-ку гапирмаса ҳам бўлади.

Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат бошқаруви илк даврдан мамлакатимизда энергетика тизими барқарорлигини ошириш бўйича кенг қўламли ислохотларни амалга оширишга жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Айниқса ҳудудларга ташрифлари чоғида ҳам қўллаб-қўллаганга асос солмоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ биргина ўтган йилнинг декабрида 5 та қуёш ва 1 та шамол электр станцияси ишга туширилган фикримиз тасдиғидир. Ва бу истиқболли лойиҳалар йилдан-йилга ортиб бориб, ўз самарасини кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари иштирокида 13 декабрь куни Халқаро конгресс марказида янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишланган тантанали маросимда ҳам ана шундай эзгу мақсадлар йўлидаги ишлар атрофида таҳлил қилинди. Шу кун қиймати 3,7 миллиард долларлик 18 та янги қувватлар ишга тушириладигани ва навбатдаги 6 та лойиҳа қурилишига даст берилгани, Президентимиз таъкидлаганидек, энергетика соҳасидаги тарихий воқеадир.

– Бугунги тадбир юртимиз энергетика тарихида янги саҳифа очди, – деди Президент Шавкат Мирзиёев. – Ишга тушириладиган лойиҳалар орқали, нафақат иқтисодий ўсишга эришамиз, балки келажак авлодларимиз учун яшил ва барқарор Ўзбекистоннинг мустақил пойдеворини яратамиз.

Хусусан, Бухоро, Навоий, Наманган ва Тошкент вилоятларида салкам 2,3 минг мегаватт қувватга эга 5 та қуёш ва шамол электр станцияси ҳамда 5 та юқори қувватли подстанция ишга туширилади. Ўзбекистонда илк бор Андижон ва Фарғонада 300 мегаваттлик йирик сақлаш тизими барпо этилди. Шунингдек, Қашқадарёда 400 мегаваттлик электр станцияси, Тошкент шаҳрида замонавий когенерация қурилмаси, Андижон, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 4 та кичик ГЭС фойдаланишга топширилган арасида турибди.

Хорижий шериклар билан ҳамкорликни изчил давом эттириш йўлидаги янги саҳифа сифатида Фарғона, Самарқанд, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида қиймати 3,5 миллиард доллар бўлган 2,5 минг мегаваттлик 6 та электр қувватлари қурилиши бошланмоқда. Ишга тушаётган қувватлар ва янги лойиҳалар орқали келгуси йилларда

қўшимча 9,5 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқарилиб, 2,5 миллиард куб метр табиий газ тежаланиб, 4,6 миллион тонна зарарли газлар чиқарилишининг олди олинади.

Энг муҳими – 4 миллиондан зиёд хонадон узлуксиз тоза энергия билан таъминланади! Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам 4 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратишга туртки беради.

Умуман олганда, келгуси йили жами 84 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу 2016 йилга нисбатан 25 миллиард киловатт-соат ёки 1,5 баробар кўп деганидир. Мазкур лойиҳалар ишончли ҳамкорларимиз бўлган “Масдар”, “Аква Пауэр”, “Акса энерджи”, Хитой ва Германиянинг нуфузли компаниялари билан амалга оширилмоқда.

– Уларнинг барчаси тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эканини ҳисобга оладиган бўлсак, бу бизга ва олиб бориладиган ислохотларимизга бўлган ишончининг яққол ифодасидир, – деди Президент.

Шу муносабат билан тадбирда шахсан ва видеоалоқа орқали қатнашган Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Туркия Республикаси ҳамда Хитойнинг нуфузли компаниялари вакилларига бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдирилди. Шунингдек, ушбу лойиҳаларни амалга оширишда молиявий ва техник кўмак берган Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Ислом тараққиёт банки, Европа тикланиши ва тараққиёт банки, Жаҳон банкига алоҳида ташаккур айтилди.

Бугунги лойиҳалар бундан 8 йил аввал энергетика соҳасида бошланган кенг қўламли ислохотларнинг узвий давоми экани алоҳида таъкидланди. Тан олиш керак, ушбу давр мобайнида Ўзбекистон “яшил энергетика”да улкан қадамларни қўйди. Хусусий секторга кенг йўл очилгани тўғрисида 5 йилда энергетика соҳасига қарийб 20 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди. Аввал тўлиқ давлат тасарруфида бўлган бу тизимда 24 та мустақил энергия ишлаб чиқарувчи субъектлар пайдо бўлди.

“Яшил энергетика” соҳасида бугунга келиб 3,5 минг мегаваттлик ёки 10 миллиард киловатт соатга тенг 16 та йирик қуёш ва шамол электр қувватлари ишга туширилди. Бунинг ҳисобига 2024 йилда “яшил энергия” улуши 16 фоиздан оширилди. Яъни, ўтган қисқа даврда экологик тоза энергия қувватларини йилга 2-3 карра кўпайтиришга эришилди. Ўтган йилда мамлакатимизнинг янги ички маҳсулоти илк бор 100 миллиард долларлик тарихий маррани забт этди.

Кейинги қадам сифатида 2030 йилга бо-



риб, иқтисодиётимиз ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш режа қилинган. Ўз навбатида, келгуси 5 йилда юртимизда электр энергияси бўлган эҳтиёж ҳозиридан 1,5 баробар ошиб, 120 миллиард киловатт соатга етади.

Ўзбекистон Париж битими доирасида 2030 йилгача зарарли газлар эмиссиясини 35 фоизга камайтириш бўйича мажбурият олган. Президент бу мажбуриятни 2050 йилгача янада кенгайтиришга тайёрлигини билдирди. Қолаверса, 2025 йил Ўзбекистонда “Атроф-муҳитни асраш ва яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари энергетика соҳасидаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш бўйича режаларга ҳам қисқача тўхталиб ўтди.

2030 йилга қадар яна 19 минг мегаватт “яшил қувват”ларни барпо этиб, қайта тикланувчи энергия улуши 54 фоизга етказилади. Хусусан, 2025 йилда 3,4 минг мегаваттлик 18 та қуёш ва шамол станциялари ҳамда 1,8 минг мегаваттлик сақлаш тизимлари ишга туширилади. Бунинг натижасида келгуси йили “яшил энергия” ишлаб чиқариш ҳажми 12 миллиард киловатт соатга етади. Бу 5 миллион хонадоннинг бир йиллик истеъмолига тенг ва 6,5 миллион тонна зарарли газларни атмосферага чиқаришининг олди олинади, деганидир.

Келгуси икки йилда хусусий тадбиркорлар билан бирга 2 мингдан ортиқ кичик ва микро-ГЭСлар ташкил қилиш бўйича катта дастур амалга оширилади. Бундан кейин ҳам соҳага хусусий сектор кириб келишини рағбатлантириб, электр энергияси бозорини ташкил этиш бўйича катта қадамларнинг қўйилиши таъкидланди. Хусусан, келгуси йил якунига қадар рақобатли савдолар орқали электр энергияси улгуржи бозори яратилади. Шунингдек, давлат-хусусий шериклик нафақат йирик

электр станцияларида, балки соҳанинг бошқа йўналишларида ҳам кенг жорий қилинади. “Яшил энергетика” йўналишида минтақавий ва халқаро ҳамкорлик кенгайтирилади.

Бу борада биринчи амалий қадам сифатида COP29 доирасида Қозғоғистон, Озарбойжон ва саудиялик ҳамкорлар билан “яшил энергия”ни Европа минтақасига экспорт қилиш бўйича илк битим имзоланди. Минтақавий энергия тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида қўшни давлатлар билан ягона платформа ишга туширилади.

“Яшил энергетика” бошқа соҳа ва тармоқлар жадал ривожини, аҳоли турмуш даражаси яхшиланиши учун янги драйверга айланиши керак. Хусусан, аҳоли ва маҳаллий тадбиркорлар соҳага катта қизиқиш билдиришмоқда. Бундай қўрқончаларни рағбатлантириш мақсадида ҳудудларни ривожлантириш дастурларида “яшил лойиҳа”лар улуши келгуси 5 йилда 5 баробарга оширилади. Бу борада техникумларда санат корхоналари билан дуал таълим тизими, 5 та олий даргоҳда илғор муҳандислик мактаблари ташкил этилмоқда. Шунингдек, энергетика, металлургия, кимё, электротехника соҳаларида нуфузли компаниялар билан бирга изланиш ва ривожлантириш йўналишида ҳамкорлик кенгайтирилади.

– Жаноб Президент, сизнинг узокни кўра оладиган етакчилигингиз тўғрисида Ўзбекистон улкан ютуқларга эришиб, инновацион тараққиёт йўлида дадил қадам ташламоқда, – деди Бирлашган Араб Амирликларининг энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл бин Муҳаммад ал-Мазруий. – Доктор Султон жаноблари билан биргаликда 500 мегаватт қувватга эга Зарафшон шамол электр станциясини ишга тушираётганимиздан ҳаят мамнунмиз. Бу Марказий Осиёдаги энг йирик лойиҳалардан

бири бўлиб, сизнинг энергетика соҳасидаги етакчилигингизнинг жаҳон миқёсидаги яна бир ифодаси. Бундай мураккаб лойиҳанинг қисқа муддатдаги реализацияси, сўзингизга содиқлигингиз ва кучли иродага эга лидер эканингизни яққол кўрсатди.

Сиз билан елкама-елка ишлаш мени учун ҳам шараф, ҳам улкан масъулиятдир. “Биз юриш эмас, югуришимиз керак, ортда қолмаймиз”, деган сўзларингиз ҳамон қўлағимизда жаранглаб туради. Шу боис, биз ҳам сиз билан биргаликда олға интилиш ва юқори марраларни забт этишга тайёрмиз. Биз нафақат қайта тикланувчи энергия соҳасида замонавий мамлакат қуриш, балки қўшни давлатлар ва Европа бозорларида энергия экспорт қилишдек буюк мақсадларингизни амалга оширишда кўмак беришга доим тайёрмиз.

Ўз навбатида юртбошимизнинг маросимдаги нутқи якунида айтган қўйидаги фикрлари ҳам халқаро жамоатчилигининг ишончи ва самимий муносабатларига тезкор жавоб ва қаҳириқ бўлди: “Барчангизга ишонтириб айтмоқчиман: Янги Ўзбекистон – инвестицияларни ҳар томонлама қафолатлайдиган, сизларнинг барча лойиҳа ва ташаббусларингизни тўла қўллаб-қувватлайдиган, хорижий ҳамкорларимиз манфаатларини ҳимоя қиладиган дунёга очик мамлакатдир”.

Кези келганда айтиш жоизки, тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатлари ҳимоячиси, мамлакатдаги етакчи куч ҳисобланган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам яқинда бўлиб ўтган сайловларда фаол иштирок этиб, парламентда ҳам, маҳаллий кенгашларда ҳам катта муваффақиятга эришгани бежиз эмас. Аввало, партиянинг сайловолди дастури ўзининг халқчиллиги, уларда кўтарилган мавзулар, тўғрироғи, ватдалар айнан халқимиз кутган ва амалга оширилиши зарур бўлган масалалар бўлганидан ҳам шу натижага эришилди. Эътибор беринг, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишни ўз бурчи деб билган O'zLiDeP олдиға қатор устувор мақсад ва вазифаларни қўйди. Улардан бири айнан – ёқилғи-энергетика мувозанатини диверсификация қилиш, қайта тикланувчан ва мўқобил энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариш эди! Бунинг учун иккиламчи энергетик ресурсларнинг энергетик утилизацияси, қуёш, шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича сигнал қувватларини, микро ва кичик гидроэлектростанцияларни яратишга тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш ҳисобини билдирди.

Демак, юрт келажиги ва халқимизнинг бахти-фаровонлиги учун фикрлар муштараклиги, мақсадлар уйғунлиги, энг муҳими, ниятлар софлиги ҳамда уларга эришиш учун катта қадамлар аллақачон қўйилгани кўнгилдаги умидни оширади. Умид билан яшаган, чироғи ўчмайдиغان уйларда яшайдиган инсонлар эса жамият келажиги ҳисса қўшишга ўзини дахлдор ҳисоблайди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

ИМКОНИАТ МАЙДОНИ

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Актам Хайтов раҳбарлигидаги республика ишчи гуруҳи аъзолари Нишон тумани Пахтазор маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 15 гектар майдонда “Туронбанк” лойиҳаси асосидаги иссиқхоналар фаолияти билан танишди. Бу ерда 30 нафар тадбиркор томонидан иссиқхона барпо этилмоқда.

ҚАШҚАДАРЁ ИССИҚХОНАЛАРИДА...

Бу ерда йилга уч марта ҳосил олинади. 400 дан ортиқ ёшлар ва хотин-қизлар меҳнат қилмоқда.

“Нишон чўл соҳиблари” оилавий корхонаси томонидан 50 сотих майдонда лимончилик ташкил этилган. Тадбиркор Элбек Пирмаматов айна пайтада 20 кишини иш билан таъминлаган. Лимонлар орасига помидор экиб, 150 млн сўм атрофида даромад қилмоқда. Иссиқхонадан йилга икки марта ҳосил олинади.

Жавоҳир Пирмаматовнинг иссиқхонасида эса диневир булғор қалампир иштирилмоқда. 50 сотих ердан 15 тонна ҳосил кўтариш режалаштирилган. Маҳсулот етмиш кунда тайёр бўларкан. Тадбиркор ҳосилни ўн кун ичида бозорларга чиқармоқчи. Январнинг бошларида маҳсулот териб олиниб, ўрнига бодринг экилади.

“Шариф бобо набираси Ҳаётбек” хусусий корхонаси тасарруфидаги 50 сотих майдонда лимон етиштириляпти. Йилга 120 млн сўм соф фойда олинмоқда. Кўмир билан иситилди. Кузда кўчати Бухородан келтиришади. Баҳорги экиш учун ўзлари етиштиришади. 500 та лимон, 11 минг дона помидор кўчати экилган.

“Миришкор Ротина текстиль” МЧЖ раҳбари Мухтор Тўйчиев Нишон туманида 5 гектар майдонда узумзор яратмоқда. Эрта-индин Олтиариқдан 6 минг дона тоқ кўчати келтирилиб ўтказилади. Бобгон Умиджон Солемининг таъкидлашича, ниҳоллар уч йилда мўл ҳосил бера бошлайди. Йилга 250 тонна узум олиш мумкин.

Янги Миришкор қишлоғида яшовчи Равшан Ҳазратқулов 10 сотих майдонда иссиқхона

қуриб, лимон, апельсин, мандарин етиштириш билан шуғулланыпти. Ҳар йили 150 миллион сўм даромад қилган ҳолда, иссиқхонани кенгайтириш борасида изланаётир. Томорқага экилган эллиқдан ортиқ мевали дарактлар ҳадемай ҳосилга қиради. Кўчат етиштириш ҳам хонадон соҳибига мўл даромад келтирмоқда.

Муборак туманидаги “Қорақум асли моллари” МЧЖ тасарруфида 1 гектар ер бўлиб, йиғирмага яқин иссиқхонада лимон етиштириляпти. Ҳар йили лимон қаламчаларидан тайёрланган кўчатлар ҳам томорқа ер эгаларига сотилмоқда.

Косон туманидаги Эсабой қишлоғида яшовчи Нурилла Одиллов 1 гектар майдонга сабзи экиб 12 тонна ҳосил олди. Маҳалладаги 10 гектар майдон 10 та ёш оилага деҳқончилик қилиш учун ажратиб берилган. Эсабойликлар



ердан йилга уч марта ҳосил олишади. Дастлаб шолғом, сўнгра помидор ва кеч кузда брокколи қарам етиштириш ҳадисини эгалланганлар. Ота-бола Зафар Туропов ва Раҳибдин Раҳмонов ҳам сабзи етиштириш билан шуғулланади. 1 гектар ерга сабзининг мушуми мирзойи навидан экиб, 15 тоннадан ошириб ҳосил кўтаришмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси раҳбари, партия Сиёсий кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Актам Хайтов деҳқон ва томорқа ер эгалари билан

мулоқотларда қонунчиликдаги янгиликлар, давлатимиз раҳбири белгилаб берган устувор вазифалар ижроси юзасидан қилиниши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида тўхтади. Томорқа ерларида иссиқхоналар ташкил этиш, цитрус мевалар, сабзавот маҳсулотлари етиштириш, суғориш, зараркунандалар ҳамда касалликлардан асраш, озиқлантириш борасида тегишли тавсияларини берди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири



ЭЪТИРОФ

ФАРОВОНЛИК
САРИ БОШЛАНГАН ЙЎЛКАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ
СИЁСАТИДА БУРИЛИШ НУҚТАСИ БЎЛАДИ

Камбағалликни қисқарттириш Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу муаммага қарши курашиш мақсадида ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлаш ва кам таъминланган оилаларни манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича янги стратегиялар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда камбағалликка қарши кураш Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги нутқидан сўнг бошланди. Эслайлик, шунда мамлакатда камбағаллик муаммоси мавжудлиги илк бор расман тан олинди. Уша пайтда аҳолининг 23 фоизини ташкил этган 7,5 млн кишининг даромади камбағаллик чегарасидан паст эди. 2020 йилнинг март ойидаёқ камбағалликни қисқарттириш тўғрисида қабул қилинган фармон мазкур йўналишда ҳуқуқий асос яратди.

Табиийки, бу муаммони ҳал қилиш йўлида турли тўсиқларга дуч келинган ҳам ҳақиқат: яъни, камбағалликни қисқарттириш бўйича самарали стратегияларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ишончли маълумотларнинг чекланганлиги бу муаммонинг илдири чукур эканлигини кўрсатди. Чунки Ўзбекистонда 6 млн га яқин меҳнатга лаёқатли аҳоли, яъни умумий аҳолининг тахминан ярми иқтисодийнинг норасмий секторидида меҳнат қиларди. Бу, уларнинг касаллик муносабати билан ҳақ тўланадиган, ҳомилдорлик ва туғиш ҳамда бола парвариши бўйича белгиланган таътиллари, ишсизлик бўйича нафақалар ва пенсиялар каби айрим ижтимоий имтиёزلардан фойдаланиш имкониятига эга эмаслигини англатарди.

Биринчи муҳим қадам – ишончли ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш бўлди. Бундай тизимни яратиш учун ёрдамга муҳтож шахсларни аниқлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Шу боис, ижтимоий ҳимоядан фойдаланишни соддалаштириш мақсадида халқор ташкилотлар ёрдами билан Ижтимоий ҳимоя ягона реестри жорий этилди.

Ягона реестр аризалар бериш, таргетинг (рақамли маркетинг механизми) рақамли маркетинг механизми (бири) ва имтиёزلар тақдим этиш каби жараёнларни бирлаштириб, тизимни янада самарали ва эҳтиёжмандлар учун очик қилди. Тақомиллаштирилган ижтимоий реестр жорий этилганидан сўнг ижтимоий нафақалар бериш кескин ошди. 2017 йилда ушбу нафақа берилган оилалар сони қарийб 500 000 ни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб, бу кўрсаткич 2,3 млн га ўсди. Ижтимоий харажатлар сезиларли даражада ортиб,

2018 йилдан 2023 йилгача 3,7 баравар ошди.

2022 йилда Ўзбекистоннинг барча маҳаллаларини қамраб олган маҳаллабай тизими яратилиб, аҳолининг кам таъминланган қатламни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш, жойларда касбий маҳоратни ошириш ва маҳаллаларни ободонлаштиришда муҳим роль ўйнади.

2023 йилда янгиланган Конституциянинг қабул қилиниши халқнинг асосий ижтимоий ҳуқуқларини конституциявий даражада таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлди. Янги Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон – ижтимоий давлат деб эълон қилинди. Унда ҳуқуқат томонидан фуқаролар олдида ижтимоий эҳтиёжларни таъминлаш, жумладан, адолатли иш ҳақи, қариллик, ишсизлик ёки боқувчисини йўқотганлик учун нафақалар, пенсия ва ижтимоий ёрдам, кафолатланган бепул тиббий ёрдам, бепул умумий ва бошланғич касб-ҳунар таълими билан таъминлаш вазифалари белгиланди. Шундай қилиб, мамлакатда камбағалликни қисқарттириш чора-тадбирлари ва сиёсати конституциявий кафолатларга эга бўлди.

Изчиллик билан олиб борилаётган фаол ижтимоий сиёсат туфайли камбағаллик даражаси йилга ўртача 3 фоизга пасаймоқда. 2017-2024 йилларда халқимиз ҳаётининг турли жабҳаларида сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй берди. Ўртача иш ҳақининг реал ўсиши 47 фоизга етди. 2020 йилдан буён ойига 3 млн сўмдан 5 млн сўмгача маош оладиган ишчилар сони икки баравар, 5 млн сўмдан 7 млн сўмгача маош оладиганлар эса уч бараварга ошгани эътиборга молик. Шунингдек, автомобиллар, кондиционер ва компьютер каби маиший техникалар сони ошган бўлиб, бу турмуш даражаси яхшиланишидан далолат беради.

Таълим ва технологиядан фойдаланиш соҳасида ҳам сезиларли ютуқлар кузатишмоқда. Боғчаларга болалар қамрови 25 фоиздан 74 фоизга, олий таълим муассасаларига мактаб битирувчиларининг қамрови 9 фоиздан 40 фоизга ошди.

Бундан ташқари, муҳим инфрату-



Мухсинжон ХОЛМУҲАМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси


зилма ва коммунал хизматлари яхшиланди. Ҳозирда барча мактаблар электр энергияси, интернет, стол компьютерлари ва асосий санитария шароитлари билан таъминланган. Уларнинг аксарияти, яъни 84 фоизи мактаб ҳудудида сувдан фойдаланиш имкониятига эга. Ушбу ўзгаришлар қўллаб-қувватлаш учун ижобий тараққиёт ва яхшиланган ҳаёт сифатини англатади.

Бундан буён камбағалликни қисқарттириш умумий ҳаракатга айланди. Ҳуқуқатдан тортиб, туман ташкилотига барча бўғиндаги раҳбарларнинг кундалик иши оилаларни камбағалликдан олиб чиқиш бўлиши керак. Бу борада назорат ҳам, сўров ҳам қаттиқ бўлади, – деган эди Президентимиз камбағалликни қисқарттириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида.

Янгиланган Конституция туфайли бугунги кунда мамлакатимизда камбағалликни қисқарттириш сиёсати конституциявий кафолатларга эга бўлиб, мазкур йўналишда белгиланган мақсадлар, яъни 2030 йилгача камбағаллик даражасини 5 фоизгача камайтириш давлат томонидан кафолатланди.

Бундан ташқари, жорий йилда камбағалликни монетар усуллардан фойдаланган ҳолда баҳолаш методикасида камбағалликни қисқарттиришнинг янада муқаммал воситаси бўлган кўп ўлчовли камбағалликни баҳолаш методикасига ўтиш юз бермоқда. Бу эса ижтимоий сиёсат чора-тадбирларини манзилли ишлаб чиқиш, шу орқали жойларда эҳтиёжманд аҳолининг ў ёки бу гуруҳларини янада самарали қўллаб-қувватлашга шароит яратди. Айнан жойларда камбағалликнинг хусусиятларини аниқроқ ҳисобга олган кўп ўлчовли камбағалликни баҳолаш методикасига ўтиш бу вазифани энг мақбул тарзда ҳал қилиш имконини беради.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг камбағалликка қарши курашидаги муваффақиятлари барча учун муносиб ҳаёт ва имкониятларни таъминлашга эришиш йўлидаги қатъиятдан далолат беради. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ҳам айнан шу мақсадга эришишга қаратилди.

САВОБНИНГ
КАТТА-КИЧИГИ ЙЎҚ

Ота-она борки, фарзандларига қомиллик тилайди. Қобил фарзандлар ҳам ўз ўрнида ота-онани рози қилишни, дусини олишни истайди. Бугунги дорилармон кунлар меваси – ниятларнинг энг улуғи падарни бузруқвори ва волидаи муҳтарамасини муборак ҳаж зиёратига олиб боришни орзу қилади. Бундай жайрли ниятларни ижобат қилувчи эзгу саяё-ҳаракатларнинг қўллами эса жуда кенг...

Халқ депутатлари Зомин туман кенгаши депутати Садоқат Бекмуродовнинг ҳам дилида ана шундай улғў орзу бор эди. У ҳам онаси – салкам ярим аср турли соҳаларда меҳнат қилган, таниқли иқтисодчи, меҳнат фахрийси, O'zLiDeP фаоли – Турсуноя опа Рашидовани улғў зиёратга юбориш учун сармоа йиғишга киришган эди. Афсуски, бу

орзуни амалга ошмай қолди. Яқинда Турсуноя опа дунёдан ўтди...

Садоқат опа сафар учун йиққан сармоясини эзгу ишлар учун сарфлашга қарор қилди: тумандаги Қултепа қишлоғида бу йил қайта фаолият бошлаган оилавий шифокорлик пунктига бир қанча тиббий жиҳозларни олиб берди.

– Шундай саховатпеша инсонларни қўриб, тарбия берган ота-онасига, таълим берган устозларига раҳмат айтиш келарди, – дейди шу қишлоқ нурунийларидан бири Хўжакул ота Туротов. – Чунки қўриб келяпмиз-да, ҳаммаёққа жар солиб, кимўзарга дабдабали тўй-маърақа қилаётганлар уллардан ибрат олса бўлмайди! Депутат қизимиз Садоқатхоннинг кўрсатган ҳомийлик ишларини эшитиб ҳаммамиз қувондик, дуолар қилдик.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

САНЪАТ

Эл эъвозлаган
санъаткор

Яқинда Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида “Ўзбекистон Республикаси маданияти ва санъат фидокори” кўкрак нишони совриндори Нишонбой Авазов ижодига бағишланган бадий кеча бўлиб ўтди.

Нишонбой Авазов – созанда, хонанда, бастакор. Тақдирнинг иши – кўзи ожиз, аммо қалб кўзи очик. Ўзбек миллий чолғуларидан чала олмайди-гана йўқ. Қарши маданият коллежидан ўқитувчи бўлиб ишлайди, ёшларга сабоқ беради.

Кечада воҳа санъат усталари, юртимизнинг турли вилоятларидан, қўшни Тожикистон ва Туркменистондан ташриф буюрган ҳофизлар Нишонбой Авазов яратган асарлардан ижро этиб, мухлисларни хушнуд этди. Бундай эътироф ва эътибордан кейин ижодкорнинг ҳаяжонини ҳис қилиш қийин эмас.

Ўзбекистон халқ ҳофизлари – Исроилжон Ваҳобов, Очилбек Матжонов, Ўзбекистон халқ артисти Замира Суянова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Аҳмаджон Дадаев, Ойгул Халилова, Тожикистонда хизмат кўрсатган артистлар ака-ука Аловиддин ва Ҳилолиддин Шамсиевлар,

шунингдек, бир қатор шогирдлар иштироки кечани чинакам санъат байрамига айлантириб юборди.

Тадбирда ҳассос ижодкор басталаган 20 га яқин кўшиқлар ижро этилди. Шу кунни ҳамма Нишонбой Авазов эккан ниҳоллар улкан даракка айланиб мева бераётганини ўз кўзлари билан кўрди, қалблар фахр-ифтихорга тўлди.

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституциясида ноғиронлиги бор шахсларга доир 7 та модда киритилган. Бош Қомусимизда акс этган ушбу бандлар ижросини, ноғиронлиги бор инсонларга эътибор ва ғамхўрликни бугун ҳаммамиз қўриб турибмиз.

Айниқса Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Энди ноғиронлиги бўлган шахсларни ўқитиш, ишга жойлаш ва спортга жалб қилиш бўйича миллий тизим бўлади. Нега миллий, чунки бу ишни бутун халқимиз билан бирга қиламиз”, деган сўзлари кишини қанчалар қувонтиради.

Қашқадарёда таниқли бастакор, созанда ва хонанда Нишонбой Авазов ижодига бағишланган бадий кечанинг ташкил қилиниши, файзли ўтиши ана шу эътиборнинг бир нишонасидир.

Эркин ҚАЙТАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

АГРАР ИСЛОҲОТЛАР

БЕТОНЛАШДАН СЎНГ...
мелиоратив ҳолат яхшиланмоқда

Хабарингиз бор, Президент Шавкат Мирзиёев раислигида қишлоқ хўжалигида сув ва энергия ресурсларидан унумли фойдаланиш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказилган эди. Унда мамлакатимиз бўйлаб ариқ ва каналлар орқали йилга 13 миллиард куб метр сув йўқотилаётгани таъкидланганди.

Таъбир жоиз бўлса, бу Андижон, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг бир йилда ишлатадиган сув миқдорига тенг. Шу боис йиғилишда каналларни бетонлашга алоҳида эътибор қаратилиб, 2025 йилда бетонлаш ишларига 800 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Ҳўш, каналларни бетонлаш орқали сувни тежаш мумкинми ўзи?

Ҳа, албатта! Каналларни бетонлаш орқали сув йўқотилишини сезиларли даражада пасайтириш мумкин. Жумладан, ариқни бетонлаш натижасида сувнинг тупроққа сингиб кетиши камайди. Силлиқ бетон деворлари сувнинг тезроқ ҳаракатланишига ёрдам беради ва канал бўйлаб сувнинг ҳаракат вақти қисқаради. Тезлана ҳисобига кичик ҳажмдаги ГЭСлар қўриб, электр олиш имкони туғилади. Қолаверса, бетон тупроққа қараганда қамроқ сувни ўзлаштиради ва буғланши орқали сув йўқотилишини камайтиради.

Демак, ариқ ва каналларни бетонлашни самарали

жиҳати кўп экан. Ортада қолган йиллар давомида бу борада қандай ишлар амалга оширилган?

Таъкидлаш жоизки, 2023 йилнинг куз ҳамда 2024 йилнинг баҳор ойларига қадар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда сув йўқотилишларни камайтириш мақсадида кластер корхоналари ва фермер хўжаликлари ихтиёридаги ички суғориш тармоқларини бетонлаштириш бўйича қатор семинарлар ташкил этилди.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган давр мубайнида республика бўйича 11 минг 700 км майдонда ички суғориш тармоқларини бетонлаштириш ишлари амалга оширилди. Мазкур жараёнда маҳаллий давлат органлари, тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда 36 минг 500 та ҳашар ташкил қилинди.

Мазкур тадбирлар давомида Сайхунобод туманида фаолият юритаётган “Озодбеков Шавкат” фермер хўжалигида 3 км, Улуғнур туманида фаолият юритаётган “Маҳаммадхон даласи” фермер хўжалигида 1,8 км, “Азимжон



Жўраев” фермер хўжалигида 1,5 км, “Волидаи кўрки” фермер хўжалигида 1,5 км, Дўстлик туманидаги “Эши бобо” фермер хўжалигида 1,9 км, Шароф Рашидов туманида “Juis goods” фермер хўжалигида 1 км, Навбахор туманидаги “Тошкент” фермер хўжалигида 1,1 км, Кармана туманидаги “Ибрат” фермер хўжалигида 1 км, Пастдарғом туманидаги “Зулайхо Адиба пахта даласи” фермер хўжалигида 1,5 км, Нарпай туманидаги “Баҳром ота далалари” фермер хўжалигида 1,1 км, Булунғур туманидаги “Небуса Турнобой даласи” фермер хўжалигида 1 км ҳамда Бекобод туманида, “Уриқзор Абдулазим фойз” фермер хўжалигида 1 км ички суғориш тармоқларини бетонлаштирилди.

Шунингдек, фермер хўжаликлари қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий ҳокимлик маблағлари ҳамда ҳомийлик жамғармалари хисобидан 8 миллиард 99 мил-

лион сўм маблағ ажратилди. Жойларда 14 минг 600 та идора ва ташкилотлардан маъсуллар бириктирилди. Эътиборлиси, ушбу хайрли тадбирларда 129 мингдан ортиқ кўнгилли фаол иштирок этишди.

2024-2025 йилда сув йўқотилишларини камайтириш мақсадида кластер корхоналари ва фермер хўжаликлари ихтиёридаги ички ариқларни бетонлаштириш бўйича режалар белгилаб олинган. Ҳозирги вақтда 1 минг 681 км ички ариқларни бетонлаш ишлари олиб боришмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сув танқислиги шароитида мазкур тадбирлар мунтазам давом эттирилади. Зеро, ички суғориш тармоқларини бетонлаштиришнинг даврининг ўзи тақозо этмоқда.

Собит РЎЗИБОВЕВ,
Ўзбекистон фермер,
деҳқон хўжаликлари ва
томорқа эгалари кенгаши
бош мутахассиси



РАҚАМИНИ КЎРИБ... ҲОЛ СЎРАНГ

Аслида қадим матал сал бошқача: “Ранг кўр – ҳол сўр”. Яъни, бирор танишингни ногоҳ учратиб қолганингизда ранг-рўйига (ранг-қиёфа кайфиятни белгилайди) қараб ҳол-аҳволини сўраш керак. Йиғлашдан ўзини зўрга тутиб турган одамга латифа айтилмайди ёки кўзлари чакнаб, юзларидан нур ёғилаётган биродарингни учратганингизда кимнингдир қабридаги эпитафияни ўқиб бермайсиз.

Ижтимоий тармоқлар оммалашганига бир мучалча вақт бўлди. Бугун тахминларга кўра аҳолимиз кўлида 16 миллиондан ортиқ телефон бор экан. Бу ўқиш-ёзишни биладиган ҳар бир инсон гаджетдан фойдаланишни англайди. Ҳозирги телефон фақат ўзаро мулоқот воситаси эмас, балки минг-минглаб турли сайтлар, блоглар, каналлар тизилмасики, ҳар ким ўзи қизиққанга аъзо бўлиб, керакли маълумотларни олибгина қолмасдан, кўйилмиш ҳаволалар, жонли ёйинларга фикр-мулоҳазаларини билдириши, баҳсу мунозарасига киришиши мумкин.

Телеграм тармоғининг ўзбек контентига очилган сайтларнинг сон-саногига етиш қийин. Мавзулар ранг-баранг: обуначилар ёши, дунёқарши, касби, қизиқишидан келиб чиқиб очилган. Номланишлари ғалати ва ҳатто ОАВга олиб чиқиш этикасига зидлари ҳам бор. Тўлиб-тошиб ётибди. Ушбу манбаларда тарқатилётган ҳаволалар ва уларнинг обуначилари сонини таҳлил қилсангиз, ҳайратга... йўқ, ҳатто кўрқиб кетасиз. Нега?

Энди мисолларга юзланамиз. Бир неча (атай очикламаймиз) вилоят номлари остида иш юритадиган телеграм каналларда бемалол бесоқолбозлик тарғиб қилинган – нафси бузуқ кимсалар ўзларига “мижоз” излаш билан овора. Ушбу каналларга мингга яқин кимса аъзо экани ачинарли (Бу ҳақда муқаддам нашримизда танқидий чиқиш ҳам қилган эдик, киберхавфсизлик хизмати эътибор қаратар деб умид боғлагандик, афсус...). Ёки маълум бир вилоят атамасидан сўнг “...ж...лар” (минг бора уэр, шу сўзни тўла келтиришга истиҳола қилдик) номли ёки “Кеннаишқалар”, “Ғоҳишахона”, “Мароқли дам олиш”, “Спа салон” каналларига кирувчилар сони олти ва ҳатто етти рақамларда ифодаланган. Тасаввур қиларингизми? Миллионлаб одамлар бундай сайтларнинг доимий мижози. Улар ширимизнинг “Томошага бунчалар ўчсан?” сатирини келтириш билан ўзимизни овунтиришдан бошқа иложимиз йўқ.

Телеграмда энг кўп каналлар истеъмолчилар учун. Уларда қайсидир корхоналар ишлаб чиқарётган маҳсулотлар рекламасида “республиканинг исталган ҳудудига бепул етказиб берилиши” ваъда қилинади. Қайсидир тумanning қайсидир маҳалласидаги тадбиркор очган каналга 20-30 минг киши аъзо, улар сони ой сайин ошиб бораверади, демек талаб ва эҳтиёж бор.

Ёки автомобиллар савдоси билан машғул каналлар ҳам обуначилари сони билан бемалол мақтаниши мумкин. Бу ҳолатни аукцион каналлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Юз минглаб обуначиларга эга бу каби манбаларда тарқатилётган ҳаволалар, реклама ёйинларидаги бесаводлик, имловий хатолар гиж-гижлиги (ва ҳатто вилоятлар атамалари хато ёзилгани) асабингизни эгловлашига... на чора чидайсиз.

Сўнгги йилларда қорин қайғуси, либос ҳавасманди, янги русумлар иштиёқманди, яъни шунчаки “истеъмолчи оломон”га айланиб қолмаяпмизми? Маънавий дунёмиз бойиши (тўйиниши), руҳий оламимиз гўзал бўлишига нега бефарқмиз? Буни айтишимизга сабаб, айна шу мазмундаги каналлардаги обуначилар сони кам. Жуда кам.

Рақамларга юзланамиз. Ҳукуматимиз қарори билан хоразмлик маърифатпарвар шоир, жадид Аваз Утар таваллудининг 140 йиллиги кенг нишонланди. Телеграмда “Аваз Утар 140 йиллиги” канали очилиб, шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида қизиқарли мақолалар, ўтказилган тадбирлар тафсилотлари мунтазам бериб борилди, аммо унга бор-йўғи 103 киши аъзо бўлган. Бундай каналлар бир қанча, аммо барчасида аъзолар сони тўрт хонали рақамга бормайди. Шоир туғилган ва яшаган Хоразмда ижодкорлар ташкил қилган шу номдаги каналга эса... 34 киши аъзо, холос!

Ё бўлмаса қўшиқлар тарғиб этиладиган кўпдан-кўп каналлар обуначилари сони юрт тарихини тарғиб қилувчи каналларга аъзо



ШОК ХАБАР

бўлганлардан бир неча (ва ҳатто ўн баравар) кўпчилиги қандай изоҳлашни ҳам билмайсан. Тўғри, қўшиқ – кўнгил мулки, агар мазмунли, маърифий бўлса. Тарихимизни охириги бир ярим асрлик сохтагарчиликлардан тозалаш ният қилинган, ҳақиқий рақамлар, воқеалар билан бойитилган ўқишли мақолалар бериб борилаётган тарихий каналлар буюк келажимиз пойдевори-ку!

Такси хизмати, автоулов савдоси борасидаги каналларга 30-40 минг атрофида обуначи йиғилгани ҳолда “Адабий жараён” (609 аъзо), “Жаҳон қаламкашлари” (1 027 аъзо), “Диллар баъзи” (63 аъзо), “Ижод аҳли” (69 аъзо), “Ўзбекистон тарихи фани” (156 аъзо) каналларининг аҳволи ўта ачинарли. Нима учун ёшларимиз (ва албатта, катта ёшлар ҳам) адабиётга, тарихга бу қадар эътиборсиз?

Яна бир ноҳус ҳолатни TikTok, Facebook, YouTube ижтимоий тармоқларидаги блогларда кузатиш мумкин. Мантиқсиз-мазмунсиз олди-қочдилардан иборат саҳифаларнинг обуначилари сони миллионга етган. Алмои-жалмои блогернинг чиқишларини юз минглаб одам кузатади, муносабат билдиради. Мумтоз адабиётимиз намояндалари ижодини тарғиб қилувчи каналларга кирувчилар эса санокли. Қайсидир кўчада қувур тешилиб, сув исроф

бўлаётгани ёки сув қувури қопқоғи ўғирлаб кетилгани шов-шув даражасига олиб чиқилса, минглаб кузатувчилар кўзи тешилгунча телефондан нигоҳини узмайди, бироқ шўро даври қатағони қурбони ҳақидаги аянчли тарихдан ҳикоя қилувчи ярим соатлик лавҳанинг сарлавҳасини ўқийди-ю, бошқа каналга ўтиб кетади.

YouTubeда “... запал” номидаги (уч нуқта ўрнида бирор вилоят номи келади) каналлар тўқилиб ётибди. Контенти кимнингдир хотини ёки келинини бошқа биров билан ушлаб олинган ҳақидаги видеолавҳалардан иборат бўлади. Кузатувчилар сони эса исталган бир вилоятнинг аҳолиси сонидан икки баравар кўпроқ.

Давлатимиз ёшларнинг билим олиши, касб эгаллаши, салоҳиятини юксалтириши учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилмоқда. Буни юртимизда университетлар сони қисқа фурсатда уч хисса ошганида ҳам кўриш мумкин. Шунга мос равишда талабалар сони ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Барча олий таълим муассасалари ижтимоий тармоқларда саҳифа ва блогларига эга, уларга ўқитувчи-профессорлар ҳамда талабалар аъзо қилинган. Бу ўринда ихтиёрий-мажбурийлик тамойили амалда бўлиши табиий. Ургач давлат университети телеграм каналда

12 мингдан ошқ одам бор, яъни талабаларнинг ярмидан кўпроғи аъзо бўлган.

Қувонарли ҳолат: “Илмий тадқиқот маркази” канали илмга иштиёқманд қатлам учун очилган ва унда илм-фандаги янгиликлар, илмий мақолалар мунтазам ёритилиб бориляпти. Аъзолари сони деярли 20 мингга етган. Аммо ўқувчига ҳеч қандай маънавий озуқа бермайдиган, балки уларнинг маънавий дунёсини пароканда қилишга мўлжалланган “...18+” номли ўнлаб каналларнинг кунда-шунда ишқибозлари сони бир неча юз минглардан иборат.

...Кўшимнинг 6-синфда ўқийдиган ўғли телефонига пул ташлатиш учун келди. Совуқдан бурни оқай деб турган болакайнинг қўлидаги қимматбаҳо телефонини олиб, ундаги телеграм каналларга бир кур назар ташладим ва ушбу мақолани ёзишга мажбурийат сездим. Энди бир мучалдан ошган болакайнинг телефони юқорида эслатганим, миллион обуначиларга эга каналлар билан тўлиб-тошган...

Бугунги рақамлар бугунимиз мезони бўлса, эртаимизнинг пойдевори. Пойдевор эса маънавий-маърифий устқурмалар устига қурилса, мустаҳкам бўлади. Акс ҳолда...

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ВА ҚОНУНЧИЛИК



МАЗЛУМНИНГ МОЛИ ЗОЛИМДА ҚОЛМАСИН

Маълумки, ўз таркибда 26 та давлатни бирлаштирган Амир Темур аниқ ишлаб чиқилган ижтимоий адолат қондаларига асосланган қонун тизимсиз мамлакатни бошқариши қийин эди. Бу сиёсат, энг аввало, мусулмон давлатида амалда бўлган ислом ҳуқуқи ва ўша даврнинг конституциявий ҳужжати “Темур тузуқлари”да ўз ифодасини топган.

“Тузуқлар”да жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида жиноятлар учун жазо масалалари, хусусан, мансабдор шахслар томонидан мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш жиноятлари учун жазо тайинлаш, ҳар бир шаҳарда адлия уйлари, суд биноси – дорул-аморат, аҳдос ва райят судьялари, уларни тайинлаш, ёлғон гувоҳлик берганлик учун жазолаш ва бошқа масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Амир Темур ўзининг очиқ чеҳраси, меҳр-шафқати билан адолат ўрнатишга, имкон қадар зулмдан узоқроқ туришга ҳаракат қилганини, айниқса, мансабдор шахсларнинг ўзлаштириш, талон-тарож қилиш ҳолатларида адолатли йўл тутганини кўриш мумкин. Хусусан, молия вазирлари давлатнинг молиявий ишларига хиёнат қилиб, ўз тасарруфидаги мол-мулкни ўзлаштириб юборса ва бу ўзларига тегишли маошга тенг бўлса, ўша ўзлаштирилган маблағ давлат ғазнасига совға ҳисобланган. Агар унинг миқдори иш ҳақининг икки баробаридан кўп бўлса, мулк солиқ сифатида давлат ҳисобига ўтказилган.

Қондалар, жиноят ва жазони ўрганиш шуни кўрсатадики, Амир Темур ўз мамлакатига қадимги турк-муғул урф-одатлари, Чингизхоннинг ясо қонунларига амал қилган. Жумладан, “Тузуқлар”да: “Ўғрил ҳақида буйруқ бердим, қаерда бўлмасин, кўлга тушса, шунга яраша жазосини олиш керак”, деб ёзилган. “Ким бировнинг молини зўрлик билан олган бўлса,

мазлумнинг молини зolimдан қайтариб олиб, эгасига топширсин” дейилади.

Амир Темур давлатида бундай ҳуқуқ манбаларининг мавжудлиги, уларнинг амал қилиши, бажарилиши ва риоя этилиши устидан қаттиқ назоратнинг мавжудлиги, шубҳасиз, қонунчиликнинг мустаҳкамлишига хизмат қилган. Агар сипоҳи ўзига бўйсунувчига зулм қилса, у хизматдан ташқарида ҳисобланади ва сипоҳининг ўзи жабрланувчиларга топширилади. Бундай ҳолда, жабрланувчи сипоҳини хоҳлаганча жазолаши мумкин эди.

Агар катта ва маҳаллий бошлиқлар ўз ваколати доирасидан чиқиб, ўзлари-

“Ким бировнинг молини зўрлик билан олган бўлса, мазлумнинг молини зolimдан қайтариб олиб, эгасига топширсин.”

“Темур тузуқлари”дан

дан пастроқ одамларга зулм қилса, уларга мол-мулкига қараб жарима солиниши белгилаб қўйилган. Шунингдек, доруға



ҳоқимлари ва шаҳар ҳоқимлари халққа зулм қилсалар, улар ҳам қилмишларига яраша жазоланган.

“Тузуқлар”да шахснинг айби исботланса, унга фақат битта жазо қўлланилиши, яъни жарима солинган бўлса калтакланмаслиги, калтакланган бўлса, жарима солинмаслиги ҳақида сўз боради. Кўриниб турибдики, бундай жазо усуллари Темур даврида бир жиноят учун икки марта жазоланиши мумкин эмас деган темир қонди билан мустаҳкамланган.

Юқоридагилар билан бир қаторда шахснинг мол-мулкни зўрлик билан тортиб олинса, унинг мулкни қайтариш билан чекланади. Баданга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар, тиш синдириш,

кўзни кўр қилиш, қулоқ-бурунни кесиш, шароб ичиш, зино қилиш, яъни эрига хиёнат қилиш жиноят ҳисобланиб, шариат қозиси бундай зиддиятли масалалар билан шуғулланган.

“Тузуқлар”да ёзилишича, ҳар бир чегара, шаҳар ва вилоятга ахборот котиблари тайинланиб, уларга ўз ҳудудига бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиб туриш вазифаси юкланган. Амир Темур адолатли ҳукмдор сифатида ғаразли мақсадда ҳеч кимни тўхмат ёки ёлғон хабарлар билан жазоламасликка ҳаракат қилган, шунингдек, мамлакатда ишсизлар, айниқса, тиланчилар сонини камайитиришга ҳаракат қилган. Яъни бундайлар мажбурий меҳнатга жалб қилиниб, шундан кейин

ҳам ҳаракатини давом эттирса, узоқ мамлакатларга сотиш ёки бадарға қилиш каби жазолар қўлланилган.


Бу билан Амир Темурнинг мамлакатдаги ишсизликка ва у орқали юзага келиши мумкин бўлган турли жиноятларга, жумладан, талончилик, ўғирлик, йўловчилар, савдогарлар, уларнинг мол-мулкни ва бошқа нарсаларни манзилдан манзилга етказиб беришдаги хавфлар билан қуррашганлигини кўриш мумкин.

Бу каби қатъий қондалардан келиб чиқиб, “Темур тузуқлари”даги жазо сиёсатининг негизда ижтимоий адолат, хусусан, қонунга риоя қилиш, вақти келганда инсонпарварлик, гуноҳга муносиб жазо бериш тамойиллари ётганини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам Соҳибқирон бобомиз Амир Темур давлатидаги қонунчилик тизими замонавий Ўзбекистон жамиятида ҳам анча қизиқ ва долзарб мавзу бўлиб қолмоқда.



Умид АЛИЕВ,
Тошкент туманлараро
иқтисодий суди судьяси

XXI АСР ҚАҲРАМОНЛАРИ

ЁРУҒ ДУНЁНИ
КЎРСАТАЁТГАН ОДАМЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ, “МЕҲНАТ ШУҲРАТИ” ОРДЕНИ СОҲИБИ, ТИББИЁТ ФАНЛАРИ
ДОКТОРИ, ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ОФТАЛЬМОЛОГИЯ
КАФЕДРАСИ ПРОФЕССОРИ **ХОЛИДЖОН КОМИЛОВ** БИЛАН СУҲБАТ**– Домла, шифокорлик касби сизга отамерос эканлигини ҳамма билади, чоғи...**

– Отамиз Муҳаммадҷон Комилов Иккинчи жаҳон урушидан кўз врач бўлиб қайтиб келган. У кишининг иш фаолиятини кузата туриб, бир жиҳатга тўла амин бўлганман: кўз шифокорлиги ўта сехрли касб. Тасаввур қилинг, кечаси қоронғилик бағрида ўтирибсиз, тўсатдан чироқ ёниб қолса, қанчалар хурсанд бўласиз, тўғрими? Энди бутун умри зулматда ўтган беморнинг бирдан ёруғ оламни кўра олишини бир ўйлаб қаранг-а?! Бу қанчалар катта бахт эканини англайсизми? Ўша лаҳзадаги ҳиссиётни сўз билан ифодаб бўлмайди. Айнан мана шу жараёнга гувоҳ бўлганим учун ўз-ўзимга келгусида, албатта, кўз шифокори бўламан, дея сўз берганман. Отам раҳматли бу соҳада менга доим устоз ва намуна бўлиб келган.

– Салкам олтимиш йилдан бери битта даргоҳдасиз, тўғрими? Ҳуш, шу вақтгача қанча инсонларнинг дунёни кўришига сабабчи бўлгансиз?

– Ишонасизми, худди шу саволни 2012 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони – “Олтин юлдуз” медалини топираётганида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ҳам берган эди. Одатда ҳар бир беморини санаб юрмайман (қулади). Лекин, майли, чамалаб кўрамиз. Тошкент давлат медицина институти тугатганимга 56 йил бўлди. Талабалик пайтимадаёқ, кўзларнинг нерв қисми шамоллашини даволашни бошлаганман. Шундай экан, ушбу соҳадаги иш тажрибамни 58 йил, дея ҳисоблаш мумкин. Ўртача ҳисобда ҳар йили 4,5-5 минг нафар кишиларни кўриқдан ўтказаман. Жарроҳлик амалиёти қилганларимнинг сони йилига тахминан минг нафардан ошади. Шунда 260 минг нафардан ортиқ кишини кўриқдан ўтказиб, 40 мингга яқин инсонни жарроҳлик амалиёти орқали даволаган бўламан-да.

– Йўналишидан қатъи назар, ҳар бир тиббиётчи, аввало, психолог бўлиши керак, деган қараш бор. Бу қанчалик тўғри?!

– Ҳар қандай вазиятда ҳам шифокор мурожаат қилган беморнинг руҳий ҳолатига тўғри таҳлиш кўя олиши шарт. Эҳтимом, бемор кўзларини бутунлай кўрмай қолишдан қаттиқ қўрқувдадир. Балки кечаси билан симиллаб оғриб чиққани боис аламзада бўлиб тургандир. Бир ўйлаб кўринг, туни билан оғриқдан ухломмаган одамнинг хаёлидан нималар ўтмайди, дейсиз...

Баъзан дўхтирнинг битта сўзи ё битта ишораси исталган кишининг ҳаётини ҳал қилувчи ўзанига буриб юбориши мумкин. Шунинг учун бизнинг биринчи қуролимиз – ширинсўзимиз! Тиб илмининг султони Ибн Сино ҳам бежиз “Ҳақимнинг уч қуроли бор: сўз, гиёҳ ва тиб” демаган. Шифокор ҳар бир беморга у хоҳ аёл, хоҳ бола, хоҳ қария бўлсин, унинг руҳиятидан келиб чиқиб муомала қилиши лозим. Мисол учун, айримлар фалон жойим оғриятти, фалон касалликка чалинганман, деб туриб олади. Бундай вазиятда фақат гўзал муомала билангина ечим топилади. Ҳатто хавфли касалини ўзига айтмасдан, ширин гапириб беморни даволаган пайтларимиз кўп бўлган. Негаки, дори-дармон, жарроҳлик амалиёти кейинги масала.

– Халқ орасида кўп ухлаш, ҳаддан ортиқ шакар ейиш ва бошқа нарсаларнинг кўзга зарари ҳақида турли гап-сўзлар юради. Кўз билан боғлиқ ҳикматлар ва шу каби миш-мишлар ҳақиқатга қанчалик яқин?

– Халқ доно. У ҳар доим топиб гапирган. Катта ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб хулоса ясалади-да. Масалан, “Кўз қорачиғингдай асра”, деган гап бор. Бу жуда тўғри менгаш. Чунки инсоннинг энг нозик аъзоларидан бири, бу – кўз. Унинг қорачиғи эса ушдан да нозик. Қорачиқ фотоаппаратнинг диафрагмасига ўхшаб ишлаб турадиган нарса. Ёруғлик кўп тўша – тораяди, кам бўлса – кенгайди. Қорачиққа зарар етса уни даволаб бўлмайди. Ёки “кўз тегибди”, дейишади. Ростданам, “кўз тегиши” кузатиладиган ҳолат. Бу руҳий жараён билан боғлиқ ҳодиса. Унинг ортида ҳавас ёки ҳасад номили фазилат ва иллат ётади. Бу инсоннинг бошқа бир кимса руҳига кучли таъсири билан баҳоланади. Шу каби халқона иборалар кўп.

– Домла, маъзур тўтинг, сизни шифокорлар даврасидан кўра ижодкорлар орасида кўпроқ учратамиз? Бунинг боиси нимада?

– Билмадим, бу балки ижод аҳли билан тафаккур дунёмиз, қарашларимиз ҳамоҳанг келганидандир. Ёшлигимдан кўп китоб ўқийман. Ким билади, яхши асарлар таъсиридир балки. Сизга айтсам, театрға санъат аҳлини, балетға балетмейстерни, ёзувчи-шоирлар даврасига улар қалбини теран англаш учун борсам керак. Баҳшлашамиз, фикрлашамиз.

– Тиббиёт вақилининг истеъдодли бўлиши бор гапми ёки ҳаммаси билим ва меҳнатнинг ҳосиласими?

– Қизиқ савол бердингиз. Аввало, ҳар бир инсонда у ёки бу касбга иқтидор бўлади. Уни ўз вақтида илғаб юзага чиқариш, ўша касбга йўналтириш ота-она ва устозларнинг закий тоққирлигига боғлиқ ҳодисадир. Шундан сўнг истеъдод меҳнат билан юзага чиқарилади. Иккаласи эш бўлмаса, фақат талант ҳам яхши ҳосил бермайди.

– Дарахт мевасиз, устоз шогирдсиз бўлмайди, дейдилар. Шу маънода ўзингиз ишонган, кўнглингиз тўлган шогирдларингиз борми?

– Шогирдларим кам эмас, албатта. Лекин мен уларни бир неча гуруҳга ажратаман. Масалан, бўлар бола бошидан, деганларидек, биринчи тоифага кирувчи шогирдларим бошидан маълум бўлади. Иккинчи тоифадагиларнинг истеъдоди бор, меҳнаткаш ҳам. Лекин мияси қотиб қолган. Стереотип қарашлар ва бошқа омиллар сабаб когнитив фикрлай олмайди. Ўзининг онги қаршилик қилади. Баъзи шогирдларимнинг истеъдоди бор-у, аммо дангаса. Изланишни хоҳламайди. Унга тайёрини қилиб бериш керак. Шундайлар ҳам бор. Лекин устоз сифатида шогирдларим кўзида милт этган учқунни илғасам, уни юзага чиқаришга ҳаракат қиламан. Ҳозирги кунгача 8 нафар тиббиёт фанлари доктори, қарийб қирқ нафар тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, фан номзодларига устозлик қилдим. Камми, кўпми, билмадим.

– Айтишларича, ҳар битта устознинг шогирдларига айтмай, тишининг ковагида асраб қўядиган битта сири бўлар эмиш? Сизда ҳам шундай сирлардан борми?

– Ўқигандирсиз, Мирмуҳсиннинг “Меъмор” асарида шундай жойи бор: меъморнинг шогирди фавқуллодда истеъдоди туфайли устозидан кўра чироилроқ сопол буюмлари ясаб бошлайди. Кўп ўтмай у устозидан бўлак жойга чиқиб, кулчилик буюмлари савдосини йўлга қўяди. Аммо устози олдидадан кетган, ҳар қанча ҳаракат қилмасин, ясаган буюмлари хира чиқиб қолаверади. Ниҳоят шогирд устанинг олдига қайтиб, бунинг сабабини сўрайди. Меъмор битта сирни ўзи билан олиб қолган эди: яъни кулчилик буюмлари печда тобланиб пиширилганидан сўнг меъмор пуфлар ва бу билан ўтириб қолган чанг-ғуборни сопол устидан учириб, уни янада равшан қилар эди.

Шундай экан, менга келсак, педагогман. Дарс бериш билан бирга, илмий тадқиқот ҳам олиб бораман. Қолаверса, даволовчи шифокорман. Ўз маърузаларимда шогирдларимга “Устознинг охириги пуфини ҳам ўргатаман”, яъни сирларнинг барчасини ўргатаман. Улар айтганларимни англаб, ушлаб қола оладими ёки йўқ, бунинг барчаси ўзларига боғлиқ. Лекин ҳалигидай бериктиб қўйган сирим йўқ. Мен уларни нариги дунёга олиб кетишдан манфаатдор эмасман. Бор кучим, билимим, тажрибам келгуси авлод учун, Ватанимиз тиббиёти учун фойда бўлсин.

– Чет эл телевидениелари орқали баъзан гайритаъбиий инсонлар ҳақида кўрсатувлар эфирга узатилади. Ана шундай инсонлардан бири “Рентген қиз” тахаллуси билан танилган россиялик Наталья Дёмкинадир. Мабодо сизни тажрибангизда шунақаси учрамаганими? Айтинг-чи, инсоннинг кўзи рентген каби кўра олиши мумкинми?

– Одатда инсон кўзи кўп нарсалар ҳақида “сўзлайди”. Унга қараб рўпарадаги инсоннинг ҳиссиётларини илғаш мумкин. Тиббиётда бир йўналиш ҳам бор. Бу иридодиа-

гностика деб юритилади. Кўзнинг рангдор пардаси (IRIS) га қараб туриб, танадаги касалликларга таҳлиш қўйиш мумкин. Биз уни тирқишли лампа ёрдамида аниқлаймиз. Микроскопимиз бор, ўшанда инсоннинг кўзига қараб туриб, жигар, ўт пуфак, буйрак ва ошқозонидаги турли касалликларни англаш мумкин. Фақат бу иридодиагностикада қилинадиган амалиёт. Лекин мана сиз айтётган нарсани биз ҳали тўлиқ англай олмаётган синопат ҳам бўлиши мумкин. Ҳали инсоният тафаккури у даражада ривожланмаган. Лекин ўз истагимизни реал ҳодисага айлантиришни хоҳлаймиз. Мисол учун, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”ида сандикдаги кўзгунга ўша вақтнинг одамлари тасаввурига сиғдира олмаган. Лекин ҳозир симсиз телефон орқали бир-бирини кўриб гаплашиш, телевизор кўриш, компютер орқали гуруҳ-гуруҳ бўлиб суҳбатлашиш биз учун оддий ҳол-ку. Лекин орадан 600 йил ўтиб кетди. Балким кун келиб, ана шундай технологиялар ишлаб чиқилар. Ёки инсон гени тадқиқ қилиниб, рентген каби кўра олиш имконига эга бўлар. Аммо ҳозирча буларнинг барчаси бизнинг тасаввуримиздан ташқарида. Ва бундай ҳодиса мен ва мижозларим билан содир бўлмаган.

– Негадир кейинги пайтларда кўз касалликлари ёшариб ва кўпайиб бормоқда? Бунинг асосий сабаблари нима?

– Кўз узокни ҳам, яқинни ҳам яхши кўриши лозим. Киши 40 ёшга бемалол кўзойнаксиз мутлоа қила олиши керак. Аввалги болаларни кўзи ўткир эди. Бир синфда ўттиз нафар бола бўлса, битта ёки иккитаси кўзойнак тақарди. Ҳозир эса мактабга қўймаёқ кўзойнак тақабган болалар бор. Ишонасизми, у маҳаллари кичкинтойлар ўзлари билмаган ҳолда кўз машқларини бажариб катта бўлган. Мисол учун, баҳор келиши билан аксар болалар варрак учиринган. Варракни кузатган одам узокқа қарайди. Чиллак отиб, ланка тепган боланинг кўзи мунтазам ҳаракатда бўлади. Ҳозир овуниб турсин унда тугилган боланинг кўлига ҳам телефон тутқазиб қўйишмоқда. Бу эти қотмаган боланинг кўзини фақат яқин масофани кўришга мослаб қўяди. У узокни кўришга қийналиб қолади. Ва бунга ўхшаш сабаблар жуда кўп.

– Нима деб ўйлайсиз, шифокор қачон имконсиз қолади?

– Тиббиётчининг имконсиз қолиши... Масалан, баъзи туғма касалликлар бор. Ҳозирча уларга даво топиш мушкул. Шундай вазиятларда бемор ёки унинг оила аъзоларига тўғридан тўғри “Ўэр, уни тузата олмаймаман”, деб айтишдан ёмони йўқ. Шахсан мен бундай пайтда жуда қийналаман. Масалан, назла, яъни глаукома деган касалликлар бор, уларда иккала кўзнинг ҳам ожиз бўлиб қолиш эҳтимоли юқори. Бундай вазиятда минг хил истиҳола билан насиб этса, янги даво-дорилари чиқиб қолар, ҳаммаси яхши бўлади, деб кўнглини оғритмасликка ҳаракат қиламан.

– Ўзбекистонликлар энг кўп қайси кўз касалликлари билан оғримоқда?

– Жуда кенг тарқалган хасталиклардан бири кўз шилиқ қават пардасининг яллиғланишидир. Кейинги ўринда орттирилган катаракта яъни кўз гаваҳари хиралашши кўпайиб борапти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таъсиясига кўра, ҳар йили 1 миллион инсоннинг камида 3 минг нафари ушбу касалликни даволаш бўйича жарроҳлик амалиётдан ўтказилиши лозим. Ҳозирда Ўзбекистон аҳолиси 37 миллиондан ошган бўлса, бу дегани ҳар йили камида 110 минг киши даволанмаси керак. Бунда ҳам агар бемор ўз вақтида даволанмаса, дунёни кўришдек бебаҳо бахтдан мосуво бўлади. Қолаверса, кўз аллергияси касалликлари ҳам ортиб бормоқда. Юқорида санаб ўтилган офталмологик касалликларнинг асосий кўзгатавчи йил сайин оғирлашаётган экологик аҳвол ҳисобланади. Қайсидир ҳудудда атроф-муҳит ифлосланиши кучайиб бораверса, бундай касалликлар сони ҳам кўпаяди.

– Ўзбекистон офталмологиясининг келажаги қандай?

– Бизнинг соҳа сўнгги йилларда жуда ривожланиб бормоқда. Шахсан Президентимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш масаласи давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиб, бу соҳа ривожини учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Шаҳар ва туман марказларини кўяверинг, олис қишлоқ ва овулларда ҳам тиббий хизмат кўрсатиш маданияти ва сифати йилдан-йилга ошиб бормоқда, барча керакли асбоб-ускуналар билан таъминланяпти. Шунингдек, ёшларимиз чет давлатларда ўқиб, ўрганиб, замонавий кўнликларни ўзлаштириб, ўзимизда жорий этишмоқда.

– Холиджон ака, энг яқин дардошингиз ким?

– Очиғини айтсам, энг яқин дардошим ота ва онам бўлган. Отам мажбурлаб бўлса ҳам, ичимдаги гапларни суғуриб олар ва тўғри йўл топишга кўмак берар эдилар. Уришадиган жойда койир, хатомни айтиб, тўғри йўл топиб берардилар. Онам меҳрибончилик билан дардимга малҳам бўларди. Ота-онам дунёдан ўтган, дардашим қолмади. Фақат Худога “Мени ақлимдан айирмагин”, деб илтижо қиламан. Ҳар қандай бошқа бировага айтган гапингиз бир пастда тарқаб кетиб қолади. Шунинг учун бу дунёда энг яқин дардош, сирдош фақат ота-оналаргина бўлиши мумкин экан. Қолаверса, рафиқам ҳам меннинг суянчиғим, сирдошим, Аллоҳдан умри узок бўлишини тилайман!

– Сиз учун сабр нима?

– Аёлим билан турмуш қурганимиздан сўнг, ўн беш йил фарзанд кутдик. Қиз туғилди. Ёлғиз қизимизни йиғирма ёшида турмушга бердик. Кейинги йил набирамнинг бешки тўйига тайёргарлик кўриш билан банд эдик. Кўзи ёришига бир ҳафта муддат қолганда ҳомила нобуд бўлди. Сўнг унинг ортидан қизимиздан ҳам айрилиб қолдик...

Жуда қаттиқ тушқунликка тушдим. Яшашга кучим қолмагандай туюлди. Қизим билан бирга келажакимни, орзу-умидларимни тупроққа кўмгандек бўлдим. Ичим ситилиб борарди. Ниҳоят пайғамбарлар тарихи ҳақидаги китобни қайта-қайта ўқиб тушқунликдан қутулдим. Суюкли пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) етти фарзандидан олти-тасини ерга қўйган эканлар. Ортида битта қизлари қолган экан. У ҳам пайғамбаримиз вафотидан олти ой ўтиб қаза қилган. Яратган эгам бошқа пайғамбарни касаллик билан, яъни бирини фарзандсизлик билан синанганини ўқидим. Тушқунликми, бу ҳаётнинг оғир синовиди экан. Кези келса унинг ҳар муволишида сабр қилишингизга тўғри келаркан.

– Тақдирингиздан розимисиз?

– Албатта, севимли касбим бор. Аллоҳга минг қатла шуқр, шунча йиллик машаққатли ва шарафли меҳнатларим туфайли ҳамisha халқимиз эъзозиданам, давлатимиз камтарин меҳнатимни эътироф этганидан мамнунман.

– Олтинга тенг бўлган икки соатлик вақтингизни олганимиз учун узр сўрашга мажбурман. Сабаби, бир муддат ишдан қолдирдик, балки қанча беморлар бизни койиб ўтирдик. Лекин ҳозир шогирдларингиздан бири сиз айтмаган бошқа сирни ошкор қилиб қўйди: “Биласизми, домламиз муборак 80 ёшини нишонлаш арафасидалар”. Шу гап ростми? Қутлуғ бўлсин!

– Оббо, яшириб бўлмас экан-да! Сизларга ҳам минг раҳмат. Чин, Худойимга берган умри, жони, ризқи-баракаси, обрў-мартабаси учун таъзим қиламан. Ҳаммамизни шундай табаррук ёшларга етказсин!

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ суҳбатлашди

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASIБош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХҲЖАЕВАСирождидин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВНодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шуҳрат АСЛОНОВТахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нўкус кўчаси 73А-уй.электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ruТелефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел. факс).Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Бюртма рақами: Т – 1245
Адади: 4330
Баҳоиси келишилган нарҳда.
Тоширилди – 19:50Тахририятга келган кўлэмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манаб
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.Газета тахририят компьютер
марказида терилди.Саҳифаловчи:
Маъруфжон РаҳмоновНАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА